

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

**Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети
Тарих факултети**

КУРС ИШИ

Мавзу: Буюк соҳибкирон Амир Темур тарихи ҳақида

Бажарди: Халимов А

Текширди: Мамарасулов Д.Т.

Самарқанд –2012

Режа:

1. Амир Темур – Буюк саркарда.
2. Амир Темур ва Темурийлар мавзуига бағишлаб яратилган йирик асарлар.
3. Амир Темур даврида Самаркандда миниатюра рассомчилик мактаби хақида.
4. Амир Темурнинг таълим-тарбияга қўшган хиссаси.
5. Хулоса

1. Амир Тему́р – Буюк саркарда.

Амир Тему́р – буюк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли меъмор, нотик, рухшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган халқимиз фарзанди. Амир Тему́рнинг тарихи кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Мустақилликка эришгунимизга қадар буни амалга ошириш имконига эга эмас эдик. Чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Тему́рнинг ўзи таҳқирланиб тухмату маломатларга қолди.

Хақиқатан ҳам, Амир Тему́р жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган. Бу улуғ зот курдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори-атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келмоқда.

Амир Тему́р 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топди. Тему́рнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Амир Тему́р Мўғулларга куёв бўлади, яъни Сароймулкихоним (Бибихоним) мўғуллар сулоласидан ҳисобланади. Шу боис ўз қайнотаси томонидан "Кўрагоний" (Кўрагон-куёв дегани) унвони билан тақдирланган.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Тему́р ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Майда, тарқоқ феодалларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди.

Хатто Амир Тему́р Боязид султон билан бўлган "Лой" жангида оёғидан яраланди ва бир умрга чўлоқ бўлиб қолди. Ғарбликларнинг Тему́рланг номи билан аташларига сабаб ҳам, машҳур "Лой жанги"да оёғидан яралангани ва чўлоқ бўлиб қолганлигидадир.

Амир Тему́рнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Биринчидан у мамлакатда юқорида айтганимиздек кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остига бирлаштира олди, мўғуллар зулмига барҳам бериб, марказлашган йирик феодал давлатни барпо этди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратиб берди.

Бугун "Тему́р ва Тему́рийлар маданияти", "Тему́рийлар давлати", "Улуғбек ва астрономия мактаби", "Навоий" ва "Бобур" каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бу гапларнинг заминида албатта Амир Тему́рнинг улкан хизматлари ётади. Иккинчидан, Амир Тему́р, ўзи билибми-билмасданми,

лекин бир қатор халқлар ва юртларни муштамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди.



Ма салан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдорларидан ҳисобланган Боязид Йилдирымни тор-мор келтириб, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлади; Олтин Ўрда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор этиб, Россияни мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини тезлаштирди. Учинчидан,

Туркистон заминини зироатчилик, хунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган илғор мамлакатга айлантирди.

Шукрки, мамлакатимиз истиқлолга эришган вақтдан эътиборан Амир Темур шахси халқимиз учун яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллигимизнинг ҳар бир тадбирида, Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормокда.

Амир Темурда Ватанни севиш, халқини улуғлаш, улардан фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий маънавий фазилатлар барқ уриб турган.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийларнинг “Зафарнома”лари, Ибн Арабшоҳнинг “Темур ҳақидаги ҳабарларда тақдир ажойиботлари” ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насиҳатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Булар эл-юрт ва фуқароларнинг ташвиши, раиятпарварлик, меҳр-мурувват, қўшничиликка риоя қилиш ва ниҳоят, мардлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги ўғитлардир Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъйи-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, қалъалар, каналлар йўл ва кўприklar ва бошқа иншоотларнинг сон-саноғи йўқ. Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жомеъ масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оксарой ва Шоҳи Зинда меъморий мўъжизалари, Боғи Чинор, Боғи Дилқушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва шу каби бошқа иншоотлар шулар жумласига киради.

Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур “Ободонликка ярайдиган бирор қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”.

Тарих бу қўхна дунёда жуда кўп жаҳонгирларни кўрган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Унинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, деган сўзлари бунёдкорлик, яратувчанлик фаолиятининг тасдиғидир.

“Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг” деганда Амир Темур, аввало ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаймиз.

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этишга, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан бошлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин Амир Темур аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қулар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бирга буюк олим даражасига

етишишида бобоси Амир Темурнинг хизмати бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб қобилятни бошданок пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машхур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Амир Темур маънавиятини белгиловчи бош мезон унинг бутун умр бўйи амал қилган “Куч - адолатда!” деган шиоридир. Бу шиорда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассамлашган, десак янглишмаймиз. Амир Темурнинг маънавий ва маърифий қарашлари унинг ўз фарзандлари, набиралари, тахт ворисларига қолдирган ўғитлари “Темур тузуклари”да мужассамлашган. Бу бебаҳо тарихий асарда, ҳокимлар ва вазирларнинг вазифалари, ўз ишига муносабати, аҳоли турли қатлами – раиятнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, сипоҳларга муносабат каби ҳаётий маънавий-ахлоқий қонун-қоидалар ўз ифодасини топган. Юксак маънавий кадриятларга таянган бу адолат Амир Темурнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Қайси мамлакатни забот этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; Саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша юртларнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим”. Буюк аждодимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири шуки, ул зот бундан олти аср аввалоқ давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, узоқ ва яқин халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустахкамлаш ўз салтанати ёрқин истикболини таъминлашнинг муҳим омили эканини теран англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан, — Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустахкамлашга интиланган. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Амир Темурнинг энг асосий тарихий хизмати шундан иборатки, айнан унинг ҳукмронлиги даврида Европа ва Осиё қитъалари илк бор ўзларининг бир геосиёсий майдонда яшаётганларини хис этганлар. Соҳибқирон савдо - иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

2. Амир Темур ва Темурийлар мавзуига бағишлаб яратилган йирик асарлар

Ҳозирги кунда Амир Темур ва Темурийлар мавзуига бағишлаб яратилган йирик асарлар сони Европа тилларида беш юздан, Шарқ халқлари тилларида эса мингдан ортиқни ташкил этади. Бу мисол асрлар давомида жаҳон тарихининг ёрқин сиймоларидан бири — Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш дунё миқёсида ҳеч қачон сусаймаганидан далолат беради.

Аксинча, кейинги вақтда дунёда, айниқса, Европада ушбу мавзуга эътибор янада ортгани кузатилмоқда ва қувонарли ҳолдир. Мамлакатимиз олимлари ва хорижлик мутахассислар томонидан илмий асосда эътироф этилганидек, Амир Темур тарихда ўз даврининг энг моҳир дипломати сифатида ҳам чуқур из қолдирган.

Соҳибқирон буюк давлат арбоби сифатида ўз мақсадларига эришишда дипломатиянинг тинч йўли билан ҳарбий тадбирларни моҳирона қўшиб олиб борган.

Амир Темур барпо этган буюк салтанат ўша даврдан бошлаб нафақат қўшни мамлакатлар ва уларнинг бошлиқларини, балки узоқ юртлар ҳукмдорларини ҳам ўзига жалб этиб келган.

Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, XIV асрнинг 70-йиллариданоқ Европа давлатлари вакиллари Мовароуннаҳрга келиб, бу ердаги янги, мустақил давлатнинг қудрати ва салоҳияти билан жиддий қизиққанлар.

Соҳибқирон ҳам ўз навбатида, айниқса, қудратли салтанат шакллангач, ўша даврнинг деярли барча таниқли давлатлари ва уларнинг ҳукмдорлари билан фаол дипломатик алоқалар ўрнатган. Турли давлатларга ўз элчиларини юборган, шунингдек, унинг ҳузурига йўлланган хориж элчиларини қабул қилган.

Амир Темур Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда — Испания қироли Генрих III), Франция ҳукмдори Шарл VI (айрим манбаларда — Карл VI), Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа бир қатор — жами йигирмадан ортиқ хорижий давлатлар элчиларини ўз пойтахти Самарқандда қабул қилгани ҳақида атрофлича баён этилган кўплаб тарихий ва илмий асарлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонли турк султони Боязид Йилдирим аскарлари ўртасида кечган ва Соҳибқирон ғалабаси билан якун топган жангга гувоҳ бўлган хорижлик дипломатлар орасида Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар — Пайо де Сато Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бор бўлган.

Жангдан сўнг Амир Темур элчиларни қабул қилади, улардан испанлар давлати ва қиролнинг аҳволи ҳақида суриштиради, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар беради. Испан элчиларининг қайтиш пайти келганда эса Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга ўзининг қобилиятли бекларидан бўлган Муҳаммад Кешийни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатади. Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни қирол Дон Энрике III га топширади.

Илмий тадқиқотларда ёзилганидек, Амир Темур дипломатиясининг назарий асосини ислом дини ташкил этгани ҳолда, унинг маънавий-ахлоқий асоси узоқ асрларга бориб тақалади. Бу дипломатиянинг шаклланишида

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари каби машҳур асарлар ва комусий манбалар катта роль ўйнаган.

Амир Темур дипломатиясининг ўзига хос томонларидан бири — у ўзининг барча мурожаатларида, ҳатто қатъий талаб шаклида ёзилган номаларида ҳам, Шарқ дипломатияси этикетларига риоя қилган. Айрим узок юртлар хушдорларининг қўпол шаклда, баъзи ҳолларда жаҳл ва жаҳолат билан ёзилган номаларига ҳам Соҳибқирон ҳамма вақт ўз фикрларини аниқ баён қилган ҳолда маданият ва одоб билан жавоб қилганини ўша даврлардан мерос бўлиб қолган тарихий хатлар орқали билиб олиш қийин эмас.

Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган.

Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг мактубларини олиб борган.

Мусулмон дипломатларидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганидан далолат беради. Ўша даврда Амир Темур шуҳрати бутун Европага тарқалган эди. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинган.

У қирол саройидаги расмий тантаналарда ва йирик зодагонлар қасридаги қабул маросимларида иштирок этган. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо

бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўйган. Ана шу сафар таассуротлари асосида Руи Гонсалес де Клавихо

томонидан яратилган "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги 1403-1406 йиллар" асари Клавихони бутун дунёга машҳур қилиб юборди ва неча асрлардан буён бу бебаҳо кундаликлар Марко Поло, Иоанн Галонифонтибус, Афанасий Никитин, Барбаро ва Контарини асарлари билан бир қаторда ўрта асрлар жаҳон адабиётининг олтин фондини безаб турибди.

Айтиш жойизки, Соҳибқироннинг элчиси — архиепископ Иоанннинг "Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар" асари ҳам ўтган олти юз йил мобайнида шу мавзуда турли тилларда яратилган мингдан зиёд асарлар орасида ишончли ва холис манба сифатида алоҳида ўрин тутади.

Нега деганда, бу асар буюк аждодимиз билан Самарқандда учрашган европалик элчи Клавихонинг кундаликлари, шунингдек, Амир Темур билан бевосита мулоқотда бўлган машҳур тарихнавислар Ибн Арабшоҳ ва Ибн Халдун қаламига мансуб тарихий китоблар каби бирламчи, яъни Соҳибқиронни ўз кўзи билан кўриб, суҳбатида бўлган муаллифлар ёзиб қолдирган энг нодир манба саналади.

Эътибор ва эътирофга сазовор томони шундаки, истиқлол йилларида халқимиз ана шу асарларни бевосита аслият, яъни испан ва француз тилидан ўзбек тилига таржималарини ўқиш ва ўрганиш, чуқур таҳлил ва талқин этиш имконига эга бўлди.

Мухтасар айтганда, Амир Темур олиб борган фаол дипломатик сиёсат туфайли буюк аجدодимиз тузган ва бошқарган улкан салтанат билан жаҳоннинг ўша даврда таниқли бўлган барча давлатлари, шу жумладан, Европа мамлакатлари орасида доимий алоқа ўрнатилган ва бу ўз навбатида дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ва маданият тараққиётига хизмат қилган.

Бугун Ўзбекистон ер юзидаги кўплаб мамлакатлар билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни камол топтиряпти, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг барча шакллари ривожлантириш йўлида изчиллик ва қатъият билан одимламоқда. Шундай маҳалда беихтиёр, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га йўлланган «Салом ва тинчлик эълон қиламан!», деган сўзлари билан бошланадиган мактуби ёдга тушади.

Темур ва Темурийлар даври Урта Осиё маданиятида алоҳида даврни ташкил қилади. Маданият тарихида классик давр ҳисобланган бу давр хусусан, узбек маданиятининг бугунги ҳукукий жойлашувида асос бўлиб хизмат қилади. Аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан богликдир.

Амир Темур даврида Урта Осиёнинг мустиқил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир курсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, хунармандчилик ва меъморчилик раванқ топди. Мамлакат ва пойтахт Самарканднинг ободончилиги йулида маҳаллий ва чет мамлакатлардан кўплаб фан ва санъат ахилларини, хунарманд меъморларини ва мусаввирларини туплади. Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан кишлок хужалигига алоҳида эътибор берди. Урта Осиёда кишлок хужалиги сунъий сугоришга богликлигини яхши тушунган Темур Ангор каналини қазирди ва Мурғоб водийсида сугориш ишларини йулга қуйди. Самарканд ва Шахрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланди. Лалмикор ерларда ариқлар қазилди. Дехкончиликда донли экинлар, пахта, зигир экилган. Буёқ учун руян усимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар қўп экилган. Узум, лимон етиштирилган.

Улугбек даврида Боғи майдонда турли усимликлар экилиб, Боғча номли боғ барпо этилган. Темур Самарканд атрофида Боғдод, Султония ва Шероз номли кишлоклар қурдиради. Темур ва Улугбек даврида қўйчилик ва йилкичиликка алоҳида эътибор берилган.

Тоғ-қон ишлари йулга қўйилиб, турли маъданлар қазиб олиниши туфайли хунармандчилик ривожланган.

Ободончилик, сугорма дехкончилиكنинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа-хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир курсатди. Хунармандчилик тармоқларининг қўпайиши туфайли шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қўрилди. Туқимачилик,

кулолчилик, чилангаллик, темирчилик ва бинокорлик сохалари асосий урин тутган. Самарканд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Термиз, Шахрисабз, Карши шаҳарларида янги хунармандчилик маҳаллалари қурилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, каноп толасидан газмоллар тукилган. Ипақдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, духоба, хоро, дебо каби газмоллар тукилган.

XV асрда метал буюмлар, уй-рузгор буюмлари, асбоб-ускуналар, қурол-яроғлар қуплаб ишлаб чиқарилган. Самарканд қуролсозлик марказига айланиб, совунсозлар маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззодин Исфаҳоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисгар ва чилангарлар метални тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва қумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

Масалан, Бибихоним масжиди эшиклари етти хил маъдан қотишмадан тайёрланган. Заргарлар олтин, қумуш ва жез қотишмаларидан нафис зеб-зийнат буюмлари ясаганлар. Олтин ва қумуш гардишли, қимматбоха тошлар қадалаган идишлар сиртига нақш ва ёзувлар ишланган.

Қулолчилик энг сертармок соҳа бўлган. XIV-XV асрларда сирли сопол бадий ранг-барангликда турли соҳаларда ишлатилган ва турли буюмлар ясалган. Тоштарошликда нақш, хаттотлик кенг қулланила бошланган. Бинокорликда гишт тервчилар "Банно", пешток, равок ҳамда тоқларга парчин ва чирок қопловчи пардозчилар "Устоз" дейилган.

Самарқандда шишасозлик ривожланиб турли идиш ва буюмлар ясалган. Қурилишда рангли ойналардан фойдаланилган. Ёғоч уймақорлигида нақшин бинолар қурилган ва буюм жиҳозлар ясалган. Самарканд қогози хатто чет улқаларда машҳур бўлган.

Бу даврда хунармандчилик моллари ишлаб чиқарадиган қорхона бошлиғи "Уста" шогирдлар "Халфа"лар бўлган. Хунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақасига мансуб бўлган.

Темурийлар давлати Хитой, Хиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотик алоқалари олиб борган. Чет давлатлар билан савдо алоқаларини кенгайтиришда Темурийларнинг элчилик алоқалари муҳим аҳамият қасб этган. Темур савдо расталари, бозорлар ва йуллар қурдиради, қарвон йулларида қарвонсаройларни қупайтиради. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бозор, Чорсу, Тим, Тоқ, Қаппон каби савдо хунармандчилик иншоотлари қад ростлади. Шаҳар бўйлаб утган кенг қучанинг икки томонига дуконлар жойлаштирилган. Самарқанд ва Бухоро савдо майдонларининг кенглиги ва ихтисослаштирилган бозорларга эғалиги билан ажралиб турган. Бозор савдо маркази ва хунармандчилик ишлаб чиқариш жойи эди. Шунингдек, бозорларда қулёзма қитоблар, ёзув қогози сотилган, ариза еки мактуб ёзувчи қирзалар ҳам утирган. Савдо растаси унда сотилувчи товар номи билан аталган. Бозорларда адабиёт, шеърят, илм-фан ҳақида суҳбатлар бўлган, қармонлар эълон қилинган ва айбдорлар қазоланган. Турли томошалар шу жойда қурсатилган, масжит, мадраса, ҳаммом бозорга яқин жойда қурилган.

Темурийлар даврида карвон йулларида элчилар ва чопарлар савдо карвонлари учун дам олиш, отлар алмаштириш жойлари курилган.

XIV-XV аср охирларида Мовароуннахрни куп мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий баъзан сиёсий ва харбий аҳамиятга эга булган карвон йуллари боғланган эди. Бу йулар бир-биридан иқтисоди, халқ турмуш-тарзи, дини, маънавий ва моддий маданияти жихатдан фаркланувчи мамлакатларнинг узаро алоқасини ривожлантиришга имкон яратди. Карвон йуллари савдо, дипломатик алоқаларнинг амалий вазифасини, айна вақтда мамлакат ва халқларнинг узаро иқтисодий ва маданий таъсирини мустаҳкамлашга хизмат килди.

Урта осий заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кутарилди. Темурийлар давлатининг кудрати айниқса меъморчиликда намоён булди. Оксарой пештокида битилган "Кудратимизни курмок истасанг биноларимизга бок!" деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Темур даврида Мовароуннахр шаҳарлари курилишида истехкомлар, шох кучалар, меъморий мажмуалар кенг кулам касб этади. Илк Урта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми булган "Шахристон"дан кулам ва мазмуни билан фарк килувчи "хисор" курилишини Самарканд ва Шахрисабзда кузатиш мумкин. Темур даврида Кеш шахарт курилиши яқунланди. "Хисор"нинг жануби-ғарбида ҳукумат саройи Оксарой ва атрофида работлар, боғ-роғлар курилди.

Темур салтанат пойтахти самаркандни безатишга алоҳида эътибор берди. Шаҳарда "Хисор", калъа, улугвор иншоотлар ва тиллакор саройлар бунёд эттирди. Самаркандга кираверишдаги Кухак тепалигида Чупон ота макбараси Улугбек даврида курилган булиб, бу иншоотда мутаносиблик, умумий шаклнинг нафислиги, безакларда улугворлик уйғунлашиб кетган. Темур даврида Самарканд Афросиёбда жанубда мугуллар давридаги ички ва ташқи шаҳар олдида курила бошлади ҳамда бу майдон калъа девори ва хандок билан уралиб (1371 й) Хисор деб аталади. Хисор 500 гектар булиб девор билан уралган. Шаҳарга олти тарафдан дарвозадан киритилган.

Шаҳар маҳаллардан иборат булиб, гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва Темурийлар даврининг энг катта ютуғи булди. Меъморчилик тараққиётининг янги босқичига кутарилди, иншоотлар кулами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни куйди. Темур даврида гумбазлар тузилишида кирралар оралиғи кенгайди. Икки қаватли гумбазлар куришда ичкаридан ёйсимон кофургаларга таянган ташқи гумбазни кутариб турувчи пой гумбазнинг баландлиғи ошди. Улугбек даврида гумбаз ости тизилмаларининг янги хиллари ишлаб чиқилди. Аниқ фанлардаги ютуқлар меъморчилик ёдгорликларида аниқ куринади (Шохизинда, Аҳмад Яссави, Гури Амир макбаралари, Бибихоним масжиди, Улугбек мадрасаси). Уларнинг олд томони ва ички қиёфаси режаларини тузишда меъморий шаклларнинг умумий уйғунлигини белгилувчи геометрик тузилмаларнинг аниқ узаро нисбати бор. Безак ва сайкал ишлари ҳам бино курилиши жараёнида барабар амалга оширилган.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннахр ва Хуросон меъморчилигида безак ва накш бу кадар юксалмаган. Темур ва Улугбек даври меъморчилигида безакда куп ранглилик ва накшлар хилма хиллиги кузатилади. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгалланган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Кошин катламларида тасвир мавзуи кам учрайди. Оксарой пештокларида Шер билан Куёшнинг жуфт тасвири учрайдики, бу рамзий маънога эга. Темур ва Улугбек даврида бино ичининг беаги ҳам хилма-хил булган. Девор ва шифт, хатто гумбаз ҳам накш билан зийнатилган. Темур даврида курилган биноларда кук ва зархал ранглари устун булиб, дабдабали накшлар ишланган, Улугбек даврида Хитой чиннисига ухшаш ок фондаги кук накшлар куп учрайди. Темур даврида курилган Ширинбека опа, Бибиҳоним, Туман опа обидаларида наккошлик ва хаттотлик билан бирга тасвирий лавҳалар ҳам мавжуддир. Ширинбека опа макбарасида тасвир куп рангларида, колган ички бино деворларида ок ва мовий рангдаги табиат манзаралари тасвирланади.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насхи, кувий, деворий хатлари билан бирга пештокларни безовчи сулс ва тезкор-насталик ноёб кулёзма асарлар кучириладиган махсус устахоналар китоботчиликнинг равнакига ижодий таъсир курсатди.

3. Амир Темур даврида Самаркандда миниатюра рассомчилик мактаби хакида

Амир Темур даврида Самаркандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Хозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сакланаётган кучирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид булиб, уларда аълохиди шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, накшларда чизикларнинг уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, киёфаларнинг уз урнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг киёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур киёфаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар хали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар “Зафарнома”нинг дастлабки кучирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёркинрок киёфаси Хиротда (1467 й) кучирилган “Зафарнома”да келтирилади. Дастлаб Мирак Наккош бошлаган ва Бехзод якунлаган ушбу миниатюрада бой композиция ва сержило буёқларнинг уйғунлиги ажралиб туради.

Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётнинг ривожини билан боғлиқ булган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сунгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда “Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи Рашидий” каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишлаган. Бу анъана Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, “Зафарнома” ва

“Темурнома” асарларида жанг лавхалари тасвирланади. Айрим ҳолларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Мухаммад пайгамбарнинг (юзи никобда) одамлар орасида турган ҳолати ва меърожга чиқишларига оид лавхалар учрайди.

XV аср миниатюраларининг аксариятида шарк шеърятининг кахрамонлари-Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавхалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати Ироқ, Эрон, Хуросон, Моворауннахр ва Хиндистонгача ҳудудда бир даврга ҳос бадиий-эстетик ҳодиса эди. Бу ҳодиса Темурийлар билан боғлиқ бўлиб, темурийларнинг Бағдод, Шероз, Табриз, Хирот, Самарканд, Дехли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди.

Самарканд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган бўлиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шарқий Туркистон санъатига ҳос бўлган Туркий образларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Самарканддаги сарой мусаввирлари Абул Хайя ва унинг шогирдлари Шайх Махмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шимолий, Мухаммад бин Махмудшоҳ, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмлар нозик, бўёқлар усталик билан қўлланган уларнинг миниатюралари темурийлар даврига ҳос ов-шиқор мавзуида яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсункур Мирзо Хиротда хаттотлик ва наққошлик устаҳонаси ташкил қилгач бу рассомларнинг айримлари хиротга қучиб утади. Абул хайя тарихий асарларига ишлаган миниатюраларда Амир Темур ва темурийларнинг қиёфалари акс этса, бадиий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланади. Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар график тарзда, бадиий жиҳатдан узига ҳос “сиёҳи қалам” услубида ишланган. Темур ҳаётлик даврида деворларида шох ва шахзодалар портрет жанрини Қамолiddин Бехзод шакллантирди. Умуман, Темур ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган қўлаб миниатюралар дунёнинг турли қутубхоналарида сақланмоқда. Бироқ, бу миниатюраларда нур сочиб турган қўёшсимон шернинг боши тасвирланган туг-Темурнинг герби-унинг саройи пештоқида, Халил Султон ва Улугбек зарб қилган тангаларда учрайди. Чунки, Хирот ва Шероз миниатюралари кахрамонларининг қийимлари бошқачароқдир.

Самарканд мактаби миниатюрачилари вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратларидирлар.

Улугбек даврида Султон Али Бовердий миниатюралари чизикларнинг кескинлиги, рангларнинг ёрқинлиги билан узига ҳосдир. Самарканд мактабига ҳос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг “ҳамса” асарига ва 49 та миниатюра “Шохнома” асарига ишланган бўлиб ҳозир Туркия қутубхонасида сақланади. Улугбек даврида ас-Суфийнинг “Силжимас юлдузлар руйҳати” асарига ишланган миниатюраларда хариталар қизил ва қора доиралар билан қатта ва қичик юлдузларнинг жойлашиши қўрсатилган бўлиб, график тарзда

ранг бермай кора сиехда чизилган . Юлдуз туркуми оддий халк вакили киефасида тасвир этилади. Шарк миниатюрояилигида оддий халк хаети мавзуи темурийлар даврида пайдо булган. Масалан, “Самарканд масжидини куриш, “Искандар деворини бунед этиш”, “Кучманчилар турмуши”, “Жамшиднинг оддий халкка хунар ургатиши” мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадий хунармандчиликнинг турли шаклларида намоен булди. Бадий хунармандчилик асосан меъморчилик билан боглик булмай, кошинкорлик кулолчилиги , егоч уймакорлиги билан хам боглик эди. Кабр тошларига кисман усимликсимон , асосан геометрик назмларда хаттотлик намуналари билан сузлар битилган. Кабртошлар сагана еки суна шаклида булиб , буз рангли мрамардан , айрим холларда ута ноеб тошлардан тантана идишлар ишланган. Егоч уймакорлигида Гури Амирда, Шохи Зинда, Яссавий макбаралари , эщиклари, шунингдек Хv асрга оид уй устунлари накшлар билан ишланган. Темур ва Улугбек даврларида металл уймакорлиги тараккий этади. Буюм ва идишлар олтинсимон бронза, латун, кизил мисдан ишланган. Накшлар уйиб буртма усулда кимматбахо тошлар кадалиб тайерланган. Яссавий макбараси улкан-шамдонлар , айникса икки тонналик козон бронза куйиш санъатининг энг юксак наъмунасидир.

Амалий санъатнинг кулолчилик тури учун яшил , зангори тусдаги еркин сир устига содда усимликнома накшларни кора буюклар билан тушуришга еки уорма гуллар ишланиши , бу даврда пайдо булган оппок идишларга сир устидан кобальт ердамида накш берилиши янгилик эди. Сопол буюмларда накшлар муйкаламда язизилган. Олдинги асрларда сопол бумларда кулол-рассом турли услубда оч хаворангдан то ложувардга кадар рангларни куллайди. Темур ва темурийлар даврининг амалий санъат турларидан тукимачилик, гтламдузлик, каштачилик юксак санъат даражасига кутарилди.

Амир Темур илм-фан ривожини учун гамхурлик килиши туфайли Самарканд дунёнинг маърифий марказига айланди. Машхур олимлар Самаркандга келди. Масалан, Козизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалакиётшунос Мавлоно Ахмад, Улугбек даврида турли мамлакатлардан келган 100 дан ортик олимлар илмий ва ижодий фаолият курсатган. Фалакиётшунослик фанида Улугбек, Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Кушчилар янги кашфиётлар килди. Тарих илмида Шарофиддин Али Яздий, Хофиз Абру, Абдураззок Самаркандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошкалар кимматли асарлар яратди. Мирзо Улугбек даврида Самаркандда биринчи Академияга асос солинди, ер куррасини улчаш ва фалакиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Самарканд расадхонасида Улугбек математика, геометрия, фалакиётшуносликда чукур билимлар сохиби эди. Али Кушчи, Мухаммад

Хавофийлар унинг севимли шогирдлари булган. Мирзо Улугбек “Зич” асарида VIII-XI асрларда бошланган фалаккиёт илмига оид анъанани давом эттириб, юкори даражага кутаради. Математикага доир “бир даража синусни аниклаш хакида рисола”, Фалаккиётшуносликка оид “Рисолаи Улугбек” ва “Муסיка илми хакида рисола” кабиасарлар ёзди. Бу даврда етук ижодкорлар Кутб, Сайфи Саройи, Хайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Мухаммад Солих ва бошқалар яшаб ижод килди. Айникса Моварауннахр ва Хуросонда узбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавкеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарканд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар шоирлар ва санъаткорлар билан узаро жуда якин муносабатда була бошладилар. Кайси ижодкор узига кайси мамлакат ёки шаҳарни курай деб билса, уша ерда яшаб ижод килди.

Масалан, Хоразмлик шоирлар Хайдар ва Хофиз Хоразмийлар Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан булган шоир Шайх Атоий Турбатдан (Тошкент якинида) Балхга, Мавлоно Лутфий ҳам асли Тошкентдан булиб Хирот якинига бориб яшаб колганлар. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир булиб, улар узлари шер ёзиш билан бирга ижодкорларга хомийлик ҳам килган. Хали Султон, Хусайн Бойкаро кабилар уз шерларидан девон тузганлар. Хуросон ва Моварауннахрда форсий ва туркийда ҳам иккала тилда ижод килувчи шоирлар куп булиб, адабий хаёт юксалади. Шарк классик адабиёти таржимонларига ҳам эътибор кучайди. “Чахор маноли” каби адабиётназариясига оид асарлар яратилган. Бадиий ижоднинг газал, рубоий, туюк, каби турлари ривож топган. Адабий жараёнда шохлар ҳам, оддий касб ва хунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам катнашган. Моварауннахрда Улугбек даврида куплаб форсий ва туркий ижодкорлар тупланди. Адабий мухитни бевосита Улугбекнинг узи бошқара, Самаркандда уша даврнинг энг яхши шоирлари йигилган эдилар. Шоирларнинг сардори (“Малик ул-калом”) килиб Мавлоно Камол Барахший тайинланган эди. Саккокий уз касидаларидан бирида Улугбекнинг шеър ёзишни ва унинг шеър хакидаги хакидаги тушунчаси юкори булганлиги такидлаб утган. Улугбек Хуросондаги ижодкорлар билан ҳам дустонна муносабатда булган. У Лутфий шеърларини XV асрнинг машхур шоири салмон саважи шеърлари билан тенг курган. Мумтоз шоир билан тенглаштириш Лутфий учун катта шараф эди.

Улугбек саройдаги энг обрули узбек шоири Саккокийнинг лирик шеърлари билан бирга узбек тилидаги касидалари ҳам бу шеъри жанрнинг сезиларли ютуги булди. Навоий “Мажолис ун-Нафоис” тазкирасида купрок Хуросонлик шоирлар хакида маълумотлар берса, давлатшоҳ самаркандий “Тазкират уш-шуаро” асарида утмишда утган ижодкорларга тухталади. Якинда маълум булган Шайх Ахмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фукукул-балоба” (1437 й.) асари темурийлар даври Моварауннахрдаги адабий хаётни урганиш имкониятларини очди. Шайх Ахмад Тарозий уз асарида бизга маълум булган машхур шоирлардан ташқари, бизга маълум булган машхур

Бузонинг туюкларини, Шамс кисорийнинг “ал-маклубул баъз” шеърий санъти намуналарини, Жалолий деган шоирнинг ишкий мазмундаги байтларини, “мутасалсал” санъатига оид узининг газалидан намуналар келтиради. XV асрнинг иккинчи ярми узбек адабиётининг энг ривожланган даври булиб, бу юксалик Темурий Бойкаро ва узбек адабиётининг порлок куёши Навоий номлари билан боглик Бойкаро хукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг куп сохалари ривожига катта ахамият берган. Навоийнинг “Хамса” ва “хазойинул-маоний” девони, Жомийнинг “хашт аранга” ва шеърий девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари булади. Хусайин Бойкаро уз “Рисоласида” унинг хукмронлиги даврида шундай асарлар яратгандан чексиз фахрлангани бежиз эмас. Бу бой адабий мерос узбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам узининг чуқур таъсирини курсатади. Бобурнинг “Бобурнома” асари шу давр узбек адабиёти ва илмнинг хаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

XV асрда узбек адабиёти, айникса Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуктаи назаридан ҳам энг юксак чуқкига кутарилди. Узбек адабий тили шаклланди.

Темурийларнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги анъаналари кейинчалик бобурийлар томонидан Афғонистон ва Хиндистонда, XVIII-XIX асрларда хоразм ва кузон хонлигида ривожлантирилди²². Темурилар даври адабиёти узбек адабиёти ривожига узига хос алоҳида бир босқични ташкил этади . бу адаби мерос Узбекистонда хали асрлар давомида узининг бой мазмуни билан гоъвий-мавфукурави теранлиг ва илоҳилиги билан комил инсонни тарбиялашда катта ахамият касб этади .

Темурилар даврида яратилган адабиёт тасавуфнинг адабиёти даражасини белгилади . адабиёт тасавуфининг гоъавий мазмунида илоҳий маслаларни камраб олиб умум инсоний такфаккурини ифодалайди . мавараунохр ва хуросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда руй берган мадани юксалик бутун мусулмон шарқнигина эмас , овропа мамлакатларини кам хайратга солди .

Темур ва темурилар давридаги мадани юксалишни умумий омилларини аниклаш шуни курсатадики, улар узаро узви боғланган ва яхлит бир бутун холдагина киска вақт ичидаги маданий —маънавий юксалигини юзага келтира олган .

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни курсатиш мумкин . мавараунохр ва Хуросонда таркок ,узаро низо ва уришлар натижасида турли вилоят, амирликларга булиниб кетган ва келгинди хукмронлар-мугунлар тамонидан айовсиз эзилган халқнинг мустанлакачиликдан, кутилиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг

барпо этилиши, узбошимчаликлар каби иллатларнинг тугатилиши иштимой юксалишни таъминлади .

Иккинчи-иктисоди омил –Мовароуннахр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иктисодий осоишталик, ишлаб –чиқаришнинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу соҳада катор тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг маънавий –маданий тараккиёти учун нихоятда муҳим аҳамият касб этди .

Учинчи –манавий омил –аввалги маданий мерос, манавий кадриятлар бойликлардан кенг фойдаланиш амлга оширишдан иборат булди мусулмон шарки манавий меросида кенг аҳамият кас этган кадимги юнон илмий –маънавий, бойликларидан кенг фойдаланилди бу даврда Амир Темур давлатининг тасирида булган ва булмаган бошқа мамлакатлар уртасида маданий алоқалар тез ривжландики бойликларни узаро алмашишга кенг йул очиб берди.

Туртинчи гоаявий омил –буомил манавий омилнинг узвий давоми булсада унинг муҳим рол уйнаганлиги учун алоҳида ажратиб курсатиш максадга мофикдир. Марказий осиеда Юсуф Хамадоний, Абду Холик Гиждивоний талумотларини шаклланган нақишбандия талумоти XIV-XV асрлардаги сиёсий –иштимой ижотлари билан унинг хар тамонлама боитдилар.

XIV-XV асрларда манавий маданий ривожланиш ислом диний карашларининг мустахкамланиб бориши билан узвий боглик булиб ,хукмрон мавкура сифатида мадрасаю масжидларда кенг укитилиб, урганилиб, конун-коида, одат, анъаналар эса шариат асосида олиб брилар эди. “Темур тузуклари”да дин арбоблари, шайх, саид, уламолар фаолиятига алоҳида урин ажратилиб уларнинг давлат ишларидаги иштирок махсус ва бир нэча кайд этилиб утилади. Марказий осиеда XI-асирдан бошлаб ёйила бошлаб тасавуф талумоти манавий хаётда катта рол уйнайди.

Нақишбандия тарикати Юсуф Хамадоний, Гиждивоний ва XIV-асрга келиб Баховиддин Накшбанд номи билан узвий боглик булиб бу талимот XV-асрда назари ваамали жихатдан янада ривож топиб бу сарой ахли, куп холларда темурий зодалар фаолиятига хам тасир курсатади

“Тузиклар”да машоихлар суфилар худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида булиб, сухбатлар курдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сузларини эшитиб кароматлар курдим –деб ёзади Амир Темур.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг таркалаётган тасаввуф таълимотининг Суфи, Порсо, Чархий, Махдуми Аъзам, Хожа Ахрор каби йирик вакиллар нақишбандия тарикатига оид катор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йулида фаол хизмат киладилар, таникли арбоблар билан мулокотда булиб, уларга таъсир утказадилар. Бу жихатдан, айникса, Хожа Ахрор, фаолияти муҳим аҳамият

касб этади. Навоий Жомий, Косимий, Лутфий, Бобур, каби шоирлар тасаввуфини тағриб қилади.

Бу даврда тиббиёт илми ҳам узини йирик намоёндаларига эга эди. Самаркандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларида Бурхониддин Нафис, ибн Эваз ҳаким ал-Хирмоний, Султон Али табиб Хуросоний, табиб Хусайн Жаррох шулар жумласидандир. Бу даврда ахлоқ ва таълим – тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисолалар пайдо буладик, уларнинг орасида Хусайн Воис, Кашифий ва Жалоладдин Давонийларининг мероси алоҳида урин эгаллайди.

Темур ва темурий шайхзодалар ва давр тарихини ёзиб қолдиришди, Моварауннахр ва Хуросоннинг мунгуллар зулмидан озод этилиши тарихни урганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али яздий, Абдураззок Самаркандий, Хофиз Абру, Натанзе, Фосих, Хавофий, Муйниддин Исфизорий, Мирхонд, Хон дамир, каби тарихчилар темурийлар даври тарифини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун уша давр ҳодисаларини, маданий юксалишни урганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда¹.

Илм фан ва адабиётнинг ривожини китобат санъати, янги қулёзма асарларини қучириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавҳа чизиш ижобий таъсир қилди. Али Қилкалам, Харвой, Рафикий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чиққан. Самарканд ва Хиротда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар ҳунармандчилик қорхонаси ҳисобланган, уларда қулёзма асарларни туплаш ва сақлаш ишлари бажарилган. XIV-XV асрлар Урта Осиё халқларининг мусика санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Янги қуй ва уқшиқлар, қолғу асбоблари ва мусика назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва муҳофизлар етишди. Абдуқодир Найий, Қул Муҳаммад Шайхӣ, Хусайн Удий, Шохқули Гижжакий, Аҳмад Қонунӣ, Юсуф Андижонӣ қабилар шулар жумласидандир.

Урта Осиё темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва қамол топди XIV-XV асрлардаги моварауннахр ва Хуросондаги маданий тараққиётнинг тамаъ тошни буюқ соҳибқирон Амир Темур қуйган эди.

4.Амир Темурнинг таълим-тарбияга қушган ҳиссаси.

Биз тарихдан биламизки Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннахр тарихида алоҳида урин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарканд, Хирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланиб борди. Шундай марказлашган, буюқ давлатга асос солган Амир Темур Қурогон ибн амир Тарагай 1336 йилнинг 9 апрелида уша пайтдаги Қеш (Шахрисабз) га қарашли Хужайлгор қишлоғида таваллуд топди. Отаси амир Тарагай узига тук, бадавлат қиши эди. Онаси Тегина бегим бухоролик бўлган.

Соҳибқирон (Бу унвон бўлғуси жаҳонқирга у тугилмасдан турибқон дин аҳллари томонидан башорат тариқасида берилган. “Соҳибқирон” атамасининг луговий маъноси “юлдуз буржларининг бахтли қелиши

(Курон) да тугилган фарзанд демакдир. “Темурнома” муаллифининг таъкидлашича, “курон” яъни юлдуз буржларининг бахтли келиши хар саккиз юз йилда бир марта содир булади. Инсоният тарихида “Аввал Искандар Зулкарнай хазратлари, иккинчи Мухаммад Расул акром саллоллоху алайхи вассаллом сайдимиз, учинчи Амир Темур хонимиз” шу сонияда дунёга келганлар). Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тулгач, отаси уни укишга берди. Амир Темур ёшлик чоғиданок махсус мураббийлар назорати остида чавондозлик, овчилик, камондан нишонга ук узиш каби машгулотларни пухта эгаллади.

Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида узи юксакликка, мутафаккирликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг узи томонидан яратилган одоб-ахлоқка оид дастурлар, уғитлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни куздан кечирish кифоя. “Тузуки Темурий” (“Темур тузуклари”), “Марфузаота Темурий” (“Темурнинг айтганлари”) ва “Вақиоти Темурий” (“Темурнинг бошидан кечирганлари”) номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно уғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, қучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний кадриятлар асосида қурилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарларни кадрли ҳазина одоб-ахлоқка оид дастурлар дея оламиз.

Бу асарлар Соҳибқироннинг жуда машаққатли ва серташвиш: гоҳ муваффақиятли, гоҳо қувончли, гоҳо серташвиш умрининг ижодий мевасидир. Асарлардаги барча уғитлар халқларни бир мақсад сари бирлаштирган, жипслаштирган, муваффақиятларга эриштирган, сеҳрли тарбиявий қучга эга бўлган дурдона-педагогикадир. Бу педагогика буюк Соҳибқироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш, голибона ҳарбий юришлар қилиш, мамлакатда осойишталик урнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар уртасидаги бузилмас дустлик, меҳр-шафқат, одамийлик ва ахлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишлангандир.

Амир Темур барпо этган (Темур ва темурийлар давлати) Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган А. Темур ва унинг авлодлари қуйидаги тартибда йилдан-йилга илм ва маърифатни қушганликларни қуйидаги схема орқали қуриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, “Амир Темур” номи ёдлаштирилди. Қуплаб шаҳарлар ва қишлоқлардаги шох қучалар, майдонлар, уқув муассасалари уни номи билан атала бошланди. Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг марказий майдонларида, Амир Темур хиёбонида 1996 йилда “Темурийлар даври” музейи барпо этилди, 1996 йилда “Амир Темур” ордени таъсис этилди. (“Амир Темур” ордени-Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан бири. Бу орден билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қушган улкан ҳиссалари учун Ўзбекистон

Республикаси фукарolari мукофотланадилар. Ушбу орден билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, ҳамда халklar уртасидаги дустликни мустахкамлашга алоҳида хисса кушганлик учун Ўзбекистон Республикаси фукароси булмаган шахслар ҳам мукофатланиши мумкин. 1996 йил 26 апрелда таъсис этилди. Орден тилла копланган 925 даражали кумуш котишмадан тайёрланиб, 8 киррали буюрма юлдуз куринишида булиб, Амир Темурнинг улугвор киёфаси кумуш рангда тасвирланган. Муаллифи-Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислom Каримов.

1996 йилда Тошкент, Самарканд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО рахбарлигида хазрат Соҳибкироннинг таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди).

4. Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, мусикашунос давлат арбоби Низомиддин Алишер Навоий Хиротда тугилиб, шу ерда яшаб, ижод этган¹. У узининг “Хамса”, “Махбуб ул-кулуб” каби йирик таълимий-ахлокий асарларида, шунингдек, “Муножот”, “Вакфия”, “Мажолисун нафоис”, “Мухокамат ул-лугатайн” асарларида ҳамда Абдурахмон Жомийнинг “Арбаъийн” номли асари таржимаси “Чихил хадис” (“кирк хадис”) кабиларда тарбияга оид уз карашларини ифода этади. Алишер Навоий баъдий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тугрисидаги фикрларини ифодалаган булса, таълимий-ахлокий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йиллари, усулларини баён этади.

Алишер Навоий инсон тафаккури, акли, билимини ва илмий билимларини юксак кадрлаган. У “Билим ва донишмандлик инсоннинг беагидир” деб ёзади. А. Навоий фарзанд тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта ахамият бериб, тарбияланувчини “хаёт чироги” деб таърифлайди. Фарзанд оилага бахт ва саодат келтирувчи зиёдир. Унинг фикрича, шахсга кичик ёшлигиданок билим, маълумот ва тарбия беришликни курсатиб, угил-кизларни 6 ёшдан тарбиячига, муаллимга бериш лозим деб хисоблайди.

Шунингдек, Навоий хаётда уз илмига амал килиш, урганганларини хаётга тадбик этиш масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, у “Махбуб ул-кулуб” асарида илм укиб уни ишлатмаган киши, шудгор килиб дехкончилик килмаган ёки уруг сочиб хосилдан бахра олмаганга ухшайди, дейди.

Илм укиб килмаган амал макбул,

Дона сочиб китармади махсул.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни урганишни тарғиб этади. Бунда у олиму фозилларни йигиб, улар оркали илм-фанни тараккий эттиришга эътибор беради.

Алишер Навоийнинг фикрича, билимларни тинмай узлуксиз урганиш зарур, бунда хар кандай кийинчиликларни енгиб утиш муҳимлигини, кунт билан ишлаш, тиришчоклик билан ҳаракат килиш, изчиллик билан кураш, уни охиригача етказиш, чидам ва сабот билан урганишни таъкидлайди. Демак, буюк аллома илм олиш тамойилларини уз даврида тугри ифодалаб,

хатто таълим тизимини белгилаб беради: яъни Алишер Навоий таълим тизимини уз даврида укув муассасаси, мадрасаларда уқиш, олим, хунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустакил ҳолда илм олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади. 1

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимнинг, мударрислар, ҳамда устоз мураббийларнинг узлари ҳам билимли ва тарбияли булиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаассиб, жохил домлаларни танқид қилади ва педагог маълумотли, уқитиш йулларини биладиган муаллим булиши зарур дейди. Бундай муаллимлар шогирдларни ёнида юзлари ёруғ булиб, доимо иззатда, ҳурматда буладилар деб таъкидлайди.

Хак йулида ким сенга бир харф уқитмиш ранж ила

Айламак бўлмас адо онинг хакин юз ганж ила.

Шундай қилиб биз Алишер Навоийни педагог-мударрис деб аташимиз мумкин. Чунки таълим-тарбия масалаларига аълоҳида эътибор бериб, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини курсатиб утади. У таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби талабларни асос қилиб олган буюк педагогдир.

Мана шундай мутафаккирларнинг ижодини урганиш учун бирга Мустақилликка эришганимиздан кейин анча йуллар очилди. Эндиликда унинг ижодини аслича, моҳиятини тушуниб урганиш имкониятлари юзага келади. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантанали нишонланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Республика Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи барпо этилди ва бу боғ уртасида шоирнинг хайкали урнатилди. Шу билан бирга китобхонларга шоирнинг 20 жилтли мукамал асарлар туплами нашр этила бошланди. Хар йили А. Навоий тугилган кун 9 февралда илмий-анъанавий конференция утказилиб, Алишер Навоий меросини урганиш соҳасида қилинган йиллик ишларга якун ясалади.

5. Хулоса.

Дунёнинг турли бурчакларида таниқли давлат ва жамият арбоблари, олимлар ва адиблар ўз ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти давомида буюк аждодларимиз, хусусан Соҳибқирон АмирТемурнинг жаҳон

цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб улушини юксак баҳолаб келмоқда. Халқаро жамоатчилик улуғ бобокалонимиз шахсига бундай беҳад улкан эътибор ва эҳтиром билдириб турганига гувоҳ бўлиш бул зотнинг ворислари сифатида биз, ўзбекистонликларга катта мамнуният ва фахр-ифтихор бағишлайди.

Хақиқатан ҳам, Амир Темур жаҳон тарихида қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган буюк саркарда ва давлат арбоби сифатидагина мавқе тутмайди. Соҳибқирон ўз пойтахти бўлмиш Самарқандни ер юзининг чинакам маданий-меъморий ва илмий-маънавий марказларидан бирига айлантирган. Бу улуғ зот курдирган меъморчилик ва халқ санъатининг жавоҳирлари янглиғ бугунгача қад кўтариб турган осори-атиқалар шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Амир Темур ва Темурийлар мавзуига бағишлаб яратилган йирик асарлар сони Европа тилларида беш юздан, Шарқ халқлари тилларида эса мингдан ортиқни ташкил этади. Бу мисол асрлар давомида жаҳон тарихининг ёрқин сиймоларидан бири — Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш дунё миқёсида ҳеч қачон сусаймаганидан далолат беради.

Миниатюра рассомчилигининг тараккиёти адабиётнинг ривожини билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сунгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда “Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи Рашидий” каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишлаган. Бу анъана Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, “Зафарнома” ва “Темурнома” асарларида жанг лавҳалари тасвирланади. Айрим ҳолларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадий асарларнинг баъзиларида Мухаммад пайгамбарнинг (юзи никобда) одамлар орасида турган ҳолати ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди.

Биз тарихдан биламизки Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннаҳр тарихида алоҳида урин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарқанд, Хирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланиб борди. Шундай марказлашган, буюк давлатга асос солган Амир Темур Курогон ибн амир Тарагай 1336 йилнинг 9 апрелида уша пайтдаги Кеш (Шахрисабз) га қарашли Хужаилгор қишлоғида таваллуд топди. Отаси амир Тарагай узига тук, бадавлат киши эди. Онаси Тегина бегим бухоролик бўлган.

АДАБИЁТЛАР.

1. И.А. Каримов Амир Темур хакида суз. Т.1986 й.
2. Темур ва Улугбек даври тарихи Т.1996 й
3. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Т.1996 й
4. Абдурахмонов А. Улугбек ва унинг расадхонаси. Т.1996 й
5. Ахмедов Б. Темур. Т.1995 й
6. Ахмедов Б. Улугбек. Т.1994 й
7. Дадабоев Х. Амир Темурнинг харбий махорати Т.1996 й
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т. 1992 й.
9. Ибодов Ж. Матвиевская. Улугбек шогирди-Али Кушчи. Т. 1994 й.
10. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Т. 1996 й.
11. Муминов И. Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган урни ва роли. Т. 1993
12. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида.
13. Темурнома. Т. 1990 й.
14. Темурнинг меъморий мероси. Т. 1996 й.
15. Темур ва темурийлар салтанати. Т. 1996 й.
16. Тухтаев И. Темур ва темурийлар тангалари. Т. 1992 й.
17. Файзиев Т. темурий маликалар. Т. 1994 й.
18. Усмонов О. К. Бехзод ва унинг наққошлик мактаби. Т. 1997 й.
19. Каюмов А. Алишер Навоий. Т. 1991 й.
20. А. Хайитметов. Темурийлар даври узбек адабиёти. Т. 1996 й.